

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ»  
НМТМ раҳбари  
Каттаева Дилфуза Тоировна**

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019й.

# **ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙАСОСЛАР**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ, ЖОМБОЙ ТУМАНИ УЛУС  
ОЛТИНСОЙ МФЙ,  
ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК» БАНКИНИНГ  
ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТИ ҲИСОБИДАН СПОРТ, МУСИҚА  
ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ЎЗИДА  
МУЖАССАМ ЭТГАН ХУСУСИЙ НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЛОЙИҲАСИ

**САМАРҚАНД-2019**

## МУНДАРИЖА

<b>ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ .....</b>	<b>2</b>
<b>ЛОЙИҲАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ.....</b>	<b>3</b>
<b>БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ.....</b>	<b>4</b>
КИРИШ .....	4
ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ .....	5
ЛОЙИҲАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ.....	7
ЛОЙИҲА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР.....	7
ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ.....	8
<b>ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ .....</b>	<b>9</b>
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРХИ.....	9
КОРХОНА ҚУВВАТЛАРИ.....	10
ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ.....	12
ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ.....	13
ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ.....	13
<b>ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ .....</b>	<b>14</b>
ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	14
SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ .....	15
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ.....	15
<b>ЛОЙИҲАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ.....	17
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ .....	20
ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИГА САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ .....	21
ИШЧИ КУЧИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ.....	23
ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА САРФ ХАРАЖАТЛАРИ.....	24
АММОТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ.....	25
ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАРҲИСОБИ .....	26
КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИШ РЕЖАСИ .....	27
ДАРОМАДЛАР, ХАРАЖАТЛАР ВА ФОЙДА ҲИСОБИ.....	33
<b>ЭКОЛОГИК ТАЛАБ.....</b>	<b>34</b>
<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>35</b>
<b>ИЛОВА .....</b>	<b>36</b>

## ТИЖОРАТ СИРИНИ ОШКОР ЭТМАСЛИК КЕЛИШУВИ

---

---

Ушбу хужжат « ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМ буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йўлга қўйилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг молиявий – иқтисодий, ташкилий ва маркетинг таҳлилларини ўз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар, НМТМ раҳбарияти ва НМТМнинг келгусидаги иш фаолиятини ақс эттириб махфий характерга эга.

Ушбу хужжат « ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМнинг мулки ҳисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошқа шахсларга ошкор этиш НМТМ раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни НМТМ раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошқа шахсларга сотиш ёки тақдим этиш, нусха кўчириш ёки ошкор этиш маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юқоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир сақлаш, тарқатмаслик ва маълумот эгаси – НМТМ раҳбарининг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. ў.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. ў.

# ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

---

## ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ:

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Тайлок тумани, Боғизагон МФЙ рўйхатга олинган « ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМ раҳбари Каттаева Дилфуза Тоировна

## ЛОЙИҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:

**ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК»** банк Самарқанд вилоят филиали томонидан тақдим этилаётган кредит.

## ЛОЙИҲА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ:

**« ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМ**

## НМТМНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОҲНОМА РАҚАМИ:

22-Январь 2019 йил, Реестрдаги тартиб рақами № 671507, Гувоҳнома №1673612

Самарқанд вилояти Жомбой тумани давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган

## НМТМНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Нуробод туман, Улус Олтинсой маҳалласи,

## БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Банк: **ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК»** банк, Самарқанд филиали

Х/р.: \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО): \_\_\_\_\_

СТИР (ИНН):306 018 335

## ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

- Лойиҳа суммаси: **1 975 845 353**
- Лойиҳада қатнашадиган шахсий маблағ: **25,00**фоиз ёки **493 700 339** сўм
- ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК»банк кредити:**75,00**фоиз ёки **1 481 884 014** сўм
- Кредитловчи ташкилот: **ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК»**банк, Самарқанд филиали
- Кредит фоизи: 1фоиз
- Лойиҳалаштириш муддати:15 йил
- Имтиёзли муддат: 3 йил
- Ўртача йиллик даромад: **641 369 000** сўм
- Фаолиятдан олинадиган йиллик ўртача соф фойда микдори: **102 118 948** сўм
- Лойиҳанинг соф фойда ҳисобидан реал оқланиш муддати:10 йил
- Лойиҳанинг ўртача рентабеллик даражаси:**23.14%**
- Яратиладиган ишчи ўринлари сони: 15та

## ЛОЙИҲАДА КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини яратиш, инвестиция маблағларини самарали ўзлаштириш мақсадида Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 50 ўринга мўлжалланган спорт, музика ва чет тиллари йўналишларини мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатишдан кредитни қайтариб, тадбиркорлик фаолиятдан фойда кўришдан иборат. Ташкиллаштириш орқали хўжалик фаолиятини кенгайтириш. Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК» банки ҳисобидан амалга ошириши режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

## БИЗНЕС ЛОЙИҲАНИНГ ТАВСИФИ

---

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳаси хусусан мактабгача таълим муассасалари камлиги ҳамда айрим маҳалла ва қишлоқларда эса умуман йўқлиги сабабли болалар таълимида камчиликлар ва болалар билим савияси саёз эканлиги кузатилаётган эди.

Аммо, таълим соҳаси, хусусан мактабгача таълим муассасаларининг хусусийлаштириш ва ҳар бир маҳаллада ҳеч бўлмаганда битта мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш фаолиятига қаратилган эътибор натижаси ўларок кейинги 1-2 йил ичида соҳада туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш ва қишлоқда фермер хўжаликлари негизида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни ҳамда хизмат кўрсатиш, таълим соҳасини мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан 2018-йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш» йили ҳамда 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожлантириш йили» деб номланишлари ва бу борада олиб борилган ишлар натижаси ўларок таълим соҳасига бўлган эътиборнинг кучайиши кузатилмоқда.

Жуда қисқа давр мобайнида мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш мақсадида жойларда ишларнинг ҳақиқий аҳолини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, халқ билан бевосита мулоқот ўрнатишнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали шакллари жорий этиш, айниқса, мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олган ҳолда жойларга чиқиб фуқароларни қабул қилиш бўйича кенг қамровли тадбирларни амалга оширишга қаратилган қатор давлат ва ҳудудий дастурлар қабул қилинди.

Жойларда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, фуқароларимизнинг талаб ва тақлифларига биноан қисқа вақт ичида шаҳарларда — кўп қаватли, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида арзон

уйлар куриш, ичимлик сув, иссиқлик таъминоти, канализация тизимларини модернизация қилиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир дастурлар қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Давлат органлари фаолияти натижаларини баҳолашда улар томонидан амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатини қанчалик яхшилаётганига ҳамда маҳалла ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштиришга бўлган таъсири етарлича эътиборга олинмаяпти.

**« ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ» НМТМ раҳбари** ушбу лойиҳасида мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкиллаштириб, мактабга билимга чанқоқ, ҳар томонлама етук ёш ўғил-қизларни етказиб бериш фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун **1 975 845 353** сўм миқдорда инвестиция маблағини ўзлаштиришни кўзда тутган бўлиб, ушбу маблағларбинолар куриш, бинони жихозлаш ва озиқ овқат махсулотлари, идора ашёлари сотиб олиш учун сарфланади. Эвазига эса рентабеллиги юқорибўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган.

Хукуматнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик негизида хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга катъий киришганлиги, соҳанинг истиқболлари ва кўзланаётган режаларнинг амалга ошишини ҳисобга олиб ушбу лойиҳа молиявий жиҳатдан анча барқарор ва инвестициялар учун самарали дейиш мумкин. Шу сабабли ушбу соҳада иш фаолиятини бошлаётган тадбиркор хукуматнинг солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар билан тўлақонликўллаб-қувватлашига эришади.

## **ЛОЙИҲАНИНГ УМУМИЙ ШАРҲИ**

Жорий йилда мактабгача таълим муассасаларининг хусусийлаштириш ва ҳар бир маҳаллада ҳеч бўлмаганда битта мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ташкил этишга бўлган талабни қондириш борасида қатор тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бу борада кенг кўламли ишлар бутун Республика буйича олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда таълимсоҳасида кенг кўламли ислохотлар ўтказилиб, салмоқли натижаларга эришилмоқда.

Бизнес фаолиятини режалаштиришнинг энг асосий ютуғи шундан иборатки, тўғри ташкил этилган бизнес режа ҳар бир тадбиркор учун энг долзарб масала соҳага инвестиция қилиш жозибадорлиги изохлайди. Ушбу бизнес режа мактабгача таълим муассасасида чет тили инглиз тили, спорт турлари футбол, кураш ва бошқа спорт турларига ўқитилиб, болалар вақтининг чоғ ўтиши ва билим даражасининг яхшиланишини таъминлайди. Бундан ташқари ушбу нодавлат мактабгача таълим муассасасининг ташкил этилиши ота-оналар учун ҳам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради, хусусан нодавлат мактабгача таълим муассасасининг яқинлиги, болаларнинг хизмат автобуси билан уйдан олиб кетилиши ва олиб келиб қўйилиши ва бошқа шу каби бир қанча қулайликлар мавжуд.

## **Лойиҳани амалга ошириш иккибосқичдан иборат.**

### **1 БОСҚИЧ – Тайёргарлик ишларининг ташкил этилиши.**

**Вақт оралиғи:** 1-2- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. Лойиҳа сметасини аниқлаш. Биноларни қуриш учун қурувчи-пудратчи корхоналар ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини етказиб берувчи ташкилотлар (Республика ҳудуди ва чет - эл) билан сотиб олиш бўйича шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий савдо ташкилотлари билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин биринчи чорак учун зарур бўлганолди-сотти хамкорликлар бўйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва лойиҳа самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда мурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ўзлаштириш.

### **2 БОСҚИЧ: Қурилиш-монтаж ишлари ва инвестицияни ўзлаштириш.**

**Вақторалиғи:** 3-4- ойлар

**Қилинадиган ишлар:** Инвестицияни ўзлаштириб лойиҳада кўзда тутилган барча ишларни яқунлаш. Яъни бу босқичда аввало қурилиши режалаштирилаётган хусусий боғчабини атрофи тозаланиб, ободонлаштирилади ва нодавлат мактабгача таълим муассасасининг биноси қурилади. Бино икки қаватдан иборат бўлиб, овқатланиш, ётоқхона, дарс ўтиладиган хоналар ва спорт залидан иборат бўлади. Хамда бинода озиқ-овқат маҳсулотларини сақловчи қўшимча омбор мавжуд бўлади. Бу бино Самарқанд вилоят Нуробод туман, Улус Олтинсой маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилган. Дарс ўтиладиган хоналар 2 та бўлиб ҳар бир гуруҳ 25 нафар болани ташкил этади.

## **ЛОЙИҲАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ**

Лойиҳанинг асосий мазмуни Самарқанд вилояти Жомбой туманида спорт, мусиқа ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиб тадбиркорлик фаолиятидан фойда кўриш, шунингдек туман аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан қўллаб – қувватлаб, янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Стратегик жиҳатдан НМТМ қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилашни, хусусий мактабгача таълим муассасаси биноси атрофидаги ташландиқ ерларни ободонлаштириб, ҳудуд инфратузилмаси ривожига ҳисса қўшишни, ободонлаштириш натижасида экология яхшиланишига ҳам ҳисса қўшишни мақсад қилган.

Стратегик жиҳатдан НМТМ уз олдиға юқорида айтиб ўтилган барча мақсадларға эришишни, ва лойиҳа даврида (15 йил) тўлақонли тухтовсиз ишловчи мактабгача таълим муассасасини яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жиҳатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва ҳудуд аҳолиси учун юқори сифатли, хаммабон ва арзон таълимни яратишни мақсад қилиб қўяди. НМТМ бу мақсадларға эришиш орқали болалар билим савиясининг ва дунё қарашининг ривожланишиға ўз хиссасини қўшиш ва шу

муддат ичида шаҳар, вилоят ва Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллашни, истиқболда боғчага болалар сонини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага қўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида НМТМ олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда Самарқанд вилояти, Жомбой туманида нодавлат мактабгача таълим муассасаси сифатида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб олишни олдидаги истиқболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## ЛОЙИҲА АСОСИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАР

Кредитга хариди режалаштирилган махсулот умумий қиймати – 1 481 884 014сўм.

Фаолиятнинг мазмуни–Самарқанд вилояти ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК» банкнинг имтиёзли кредити ҳисобидан спорт ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган хусусий мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лойихаси.

Лойиҳа суммаси (киритиладиган инвестициялар ҳисобидан): 1 975 845 353сўм.

Лойиҳа муддати – 15 йил. (Шундан 3йил имтиёзли муддати)

Солиқ тўловлари амалга оширилгунга қадар бўлган соф фойда (ўрта ҳисобда) - 134 187 398сўм.

Ўрта ҳисобдаги йиллик соф фойда – 102 118 948сўм

Лойиҳанинг тўла қопланиш муддати – 10 йил.

### Лойиҳа самарадорлигининг интеграл кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Мазмун
Лойиҳанинг ялпи даромаддан ўзини оқлаш муддати	5 йил
Лойиҳанинг солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан оқланиш муддати	7 йил
Кредит кайтарилгандан кейинги соф фойдадан оқланиш муддати	10 йил
Ўртача рентабеллик даражаси (соф фойданинг харажатларга нисбати)	33,14 %
Тўла оқланиш даври	10 йил

Лойиҳанинг умумлашган «Монте – Карло» усулидаги таҳлили шуни кўрсатадики, хатто фаолият ривожининг пессимистик сценарийси барқарор кўрсаткичларга ҳамда ижобий прогнозларга эга. Яъни лойиҳанинг ўз ўзини оқлаш муддатининг лойиҳа давомийлиги билан тенглиги, соф фойда даражасининг пессимистик прогнозларда (бошқаларга нисбатан паст нархлардаги таълимни назарда тутиб) юқорилиги, яъни ялпи даромадгага нисбатан 33,14 фоиз ортиқроқ эканлиги, нормал рентабеллик лойиҳани барқарор ва даромадли эканлиги асослайди.

Бундан ташқари, лойиҳанинг мавсумийлик характерга эга эканлиги ҳисобга олсак, бу иш хақи харажатларининг янада қисқариш имкониятлари мавжудлиги, ва лойиҳадаги инвестиция маблағидан бир эмас, бир неча мартаба самарали фойдаланиш имконияти мавжудлиги, инвестициянинг тўла кайтарилишининг рисклардан холи равишда



кафолатланганлиги ва фаолиятни болаларни мактаб ёшига етганга қадар бошланғич ўқитилиши орқали ўзини оқлаб, фойда келтирилишини, лойиҳанинг муваффақиятли бизнес фаолият эканлигини асослайди.

Бу эса ўз навбатида унинг самарали ва фойдали бизнес фаолият сифатида жозибadorлигини оширади.

## **ЛОЙИҲА ТАШАББУСКОРИ ХАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ**

**« ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМ раҳбари Бобоназарова Сайда Абруевна** 2019 йил 21 феврал (Реестрдаги тартиб рақами № 22 Гувоҳнома №00022) да Самарқанд вилояти, Жомбой туман Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган.

НМТМнинг таъсисчилари:

1. Самарқанд вилояти, Жомбой туман, Улус Олтинсой маҳалласида истиқомат қилувчи, 1970-йил 01-Январда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Бобоназарова Сайда Абруевна (Паспорт серияси: АА №7057735, 2014 йил 25-Сентябрда Самарқанд вилояти, Нуробод туман ИИБ томонидан берилган);

Асосий инвесторлар: **ХАТВ «МИКРОКРЕДИТБАНК» банк ҳамда таъсисчи**

Нодавлат таълим муассасасига бўлган эътибор ва қизиқишни ҳисобга олиб, корхона томонидан бир йил мобайнида **1 481 884 014** сўмлик кредит маблағини ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Нодавлат таълим муассасасини ривожлантириш учун мавжуд қулай шарт – шароитларни ҳисобга олиб, **« ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ » НМТМ** раҳбарияти томонидан Самарқанд вилояти, Жомбой туманида хусусий нодавлат таълим муассасасини қуришни режалаштирилди.

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАВСИФИ**

---

### **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНИ ШАРҲИ**

Режалаштирилаётган тадбиркорлик фаолияти Самарқанд вилояти Жомбой тумани Улус Олтинсой маҳалласи атрофи ободонлаштиришдан бошланади, яъни арча, чинор каби дарахт кўчатлари экилади.

Нодавлат таълим муассасаси биноси 2 қават қилиб қурилади. Биринчи қаватда ошхона, спорт зали ҳамда ота-оналар кутиш зали қурилиши режалаштирилган бўлиб, иккинчи қаватда 1- ва 2-гуруҳ тарбияланувчилар учун хоналар ва ётоқхона қурилади.

Бундан ташқари, қаватларда тугараклар учун хоналар ажратилиши режалаштирилган.

Нодавлат таълим муассасасида тарбияланувчилар қўшимча бадий гимнастика, каратэ, инглиз ва рус тиллари дарсларини ҳам ўрганишлари мумкин бўлади.

Шу билан бирга, корхона раҳбари нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишда кам таъминланган ва ёш оилаларга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Нодавлат таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 15 та ўринни кам таъминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун ажратилади ва уларга бир

ойлик тўлов суммаси сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

### КОРҲОНА ҚУВВАТИ

Нодавлат таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган. Мактабгача тайёрлаш жараёни узлуксиз давом эттирилган тарзда олиб борилади.

Бундан ташқари, кам таъминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун имтиёзли ўринлар сони 15тани ташкил этилган бўлиб, бир ойлик тўлов суммаси эса 200 000 сўмни ташкил этади. Қолган тарбияланувчилар эса бир ой учун 650 000 сўмдан тўлов амалга оширилишини режалаштирилган.

#### 4 - Жадвал. Биройлик таълим бериш қуввати

сўмда

100 % қувватда					
№	Номланиши	ойлик НТМда тарбияланадиган болалар сони			
		Ўлчов бирлиги	Сони	Бир ойлик тўлови	Жами сумма
1	Тарбияланувчилар (имтиёзли)	киши	15	200 000	3 000 000
2	Тарбияланувчилар	киши	35	650 000	22 750 000
3	Бадий гимнастика тўғараги (Қўшимча)	киши	30	110 000	3 300 000
4	Кураш тўғараги (Қўшимча)	киши	30	150 000	4 500 000
5	Инглиз тили тўғараги (Қўшимча)	киши	30	160 000	4 800 000
6	Рус тили тўғараги (Қўшимча)	киши	30	160 000	4 800 000
7	Муסיқа тўғараги (Қўшимча)	киши	30	150 000	4 500 000
<b>Жами</b>					<b>47 650 000</b>
<b>Қувватларнинг ишга туширилиши сўмда</b>					
1 йилда	Нарх усиши - 0%	Қувват=			1,00
№	Номланиши	йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони			

		Ўлчов бирлиги	Сони	Бир ойлик тўлови	Йиллик тўлови	Жами
1	Тарбияланувчи лар (имтиёзли)	киши	15	200 000	2 400 000	36 000 000
2	Тарбияланувчи лар	киши	35	650 000	7 800 000	273 000 000
3	Бадий гимнастика тўгараги (Қўшимча)	киши	30	130 000	1 560 000	46 800 000
4	Кураш тўгараги (Қўшимча)	киши	30	130 000	1 560 000	46 800 000
5	Инглиз тили тўгараги (Қўшимча)	киши	30	160 000	1 920 000	57 600 000
6	Рус тили тўгараги (Қўшимча)	киши	30	160 000	1 920 000	57 600 000
7	Муסיқа тўгараги (Қўшимча)	киши	30	150 000	1 800 000	54 000 000
<b>Жами</b>						<b>571 800 000</b>
<b>сўмда</b>						
<b>2 йилда</b>		<b>Нарх усиши - 10%</b>		<b>Қувват =%</b>		<b>1,00</b>
<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони</b>				
		<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Сони</b>	<b>Бир ойлик тўлови</b>	<b>Йиллик тўлови</b>	<b>Жами</b>
1	Тарбияланувчи лар (имтиёзли)	киши	15	220 000	2 640 000	39 600 000
2	Тарбияланувчи лар	киши	35	715 000	8 580 000	300 300 000
3	Бадий гимнастика тўгараги (Қўшимча)	киши	30	121 000	1 452 000	43 560 000
4	Кураш тўгараги (Қўшимча)	киши	30	165 000	1 980 000	59 400 000
5	Инглиз тили тўгараги (Қўшимча)	киши	30	176 000	2 112 000	63 360 000

6	Рус тили тўғараги (Қўшимча)	киши	30	176 000	2 112 000	63 360 000
7	Муסיқа тўғараги (Қўшимча)	киши	30	165 000	1 980 000	59 400 000
<b>Жами ишлаб чиқариш қиймати</b>						<b>628 980 000</b>

3 йилда		Нарх усиши - 15%		Қувват=%		1,00
№	Номланиши	йиллик НТМда тарбияланадиган болалар сони				
		Ўлчов бирлиги	Сони	Бир ойлик тўлови	Йиллик тўлови	Жами
1	Тарбияланувчи лар (имтиёзли)	киши	15	253 000	3 036 000	45 540 000
2	Тарбияланувчи лар	киши	35	822 250	9 867 000	345 345 000
3	Бадий гимнастика тўғараги (Қўшимча)	киши	30	139 150	1 669 800	50 094 000
4	Кураш тўғараги (Қўшимча)	киши	30	189 750	2 277 000	68 310 000
5	Инглиз тили тўғараги (Қўшимча)	киши	30	202 400	2 428 800	72 864 000
6	Рус тили тўғараги (Қўшимча)	киши	30	202 400	2 428 800	72 864 000
7	Муסיқа тўғараги (Қўшимча)	киши	30	189 750	2 277 000	68 310 000
<b>Жами</b>						<b>723 327 000</b>

## ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ

Ушбу лойиҳанинг ишчи кучига ва ходимларга бўлган талаби 15 кишини ташкил қилади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил қилиб, қолган 13 киши ишчи хизматчилардан иборат бўлади.

Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, ҳисобчидан иборат бўлади.

Ишчи – хизматчи ходимлар таркиби эса 13 нафар ишчи, 3 нафар тарбиячи, 1 нафар инглиз тили ўқитувчиси, 1 нафар рус тили ўқитувчиси, 1 нафар бадий гимнастика мураббийси, 1 нафар кураш мураббийси, 1 нафар мусиқа ўқитувчиси, 1 нафар болалар шифокори, 1 нафар ошпаз, 1 нафар фаррош ва 2 нафар қоровуллардан иборат бўлади.

Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик олти иш куни тартибда ташкил этилади, яъни эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 17:00 гача (тушлик 13:00 дан 14:00 гача) иш вақти ҳисобланади.

(Қаранг: ҳисоб-китоби Молиявий бўлим, 13- жадвал)

## ИШЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБ ВА КАДРЛАР ДАСТУРИ

Таълим бериш жараёни сифатли бўлиши учун режалаштирилаётган фаолият малакали ишчи кучи ва билим талаб қилади. Шу сабабли, ишга олинадиган ходимларга қуйидаги талаблар қўйилади. Жумладан:

- 1. Маъмурият ходимларига қўйиладиган талаблар:** олий маълумот, мутахассисликнинг иш лавозими ва мажбуриятларига мослиги, айнан шу ёки шунга ўхшаш соҳада камида икки йил давомида ишлаган бўлиши, виждонийлик ва одамийлик сифатлари талабга жавоб бериши керак.
- 2. Ишчи-хизматчи ходимларга қўйиладиган талаблар:** энг камида ўрта-маҳсус маълумотнинг мавжудлиги, соҳа ишини тушунган бўлиши ва шунга ўхшаш соҳада камида бир йил фаолият кўрсатган бўлиши керак.

Булардан ташқари, тартиб-интизом, ростгуйлик, инсоф ва ҳаққонийлик, маҳаллий халқ анъаналари ва удумлари билан танишлик, биттадан ортиқ тилни билишлиги каби сифатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона томонидан кадрларни ўқитиш ва малакасини ошириш, уларнинг ижтимоий сиёсий фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор бериш режалаштирилган. Бунинг учун ўқув-малака амалиётлари, айни ёки ўхшаш фаолият турида амалиёт ўташ (Ўзбекистон ҳудудида ва чет-элда), малакали мутахассислар кўмагида тушунтириш ва ўқитиш ишларини ташкил қилиш, тадбиркорлик ва бошқарув амалиёти буйича малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, ходимларни муносиб рағбатлантириб туриш каби ишлар режалаштирилган.

## ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИ САРФИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек қурилиши мўлжалланаётган корхона учун ажратилган ерда барча энерготўминолот тизимларига уланиш имконияти мавжуд ва қурилишлойихасида уларга тўлиқ уланиш кўзда тутилган.

Электрэнергия сарфи асосан биноларни ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электрэнергия ресурсларига бўлган талаби 5,2 кВт ва йиллик сарф миқдори 1622,4 кВт.ни ташкил этади.

Электрэнергия таъминоти учун тўловларни амалга ошириш ойма-ой олиб борилади.(Қаранг: 14- жадвал)

## ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ


### ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ, НАРҲ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

НТМ маънавийбозордаги талаб таклифдан кўпроқ бўлиб, бунга йил давомида таълим сифати тўлиқ реализацияси ва ички бозордаги нархларнинг меъёрий нархлардан анча юқорилиги далил бўла олади.

Соҳанинг кейинги ун йиллик ичидаги ривожланиши таклиф сонининг кескин ортишига ва аҳолини эҳтиёжини қондирилишига эришилаётган бўлганлигига қарамадан ушбу сифатли таълимгабўлган талаб кундан-кунга ўсиб бормоқда.

#### Талаб ва таклиф мутаносиблиги.

Махсулот хажми (Q)



#### Шартли белгилар:

- $Q$  – Бозорга олиб чиқилган махсулот
- $P$  – Сотилган махсулот нархи
- $T_b$  – махсулотга бўлган потенциал талаб
- $T_f$  – махсулотнинг потенциал таклифи
- $O$  – Талаб ва таклифнинг оптималь холати (нарх ва махсулот миқдорининг оптималь кескинув нуктаси)
- $B$  – бугунги кундаги ички бозордаги юқори нарх ва махсулот миқдорининг камлигини изоҳловчи нукта
- $dQ$  – этишмаётган махсулот миқдори
- $dP$  – оширилган нарх

### ПОТЕНЦИАЛ ТАЛАБ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида аҳолининг сифатли таълимгабўлган харид қобилияти билан таъминланган талабга айтилади. Ушбу хизматга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлишига қарамадан республика миқёсида йиллик катта потенциал талаб мавжуд.

#### Потенциал талабга қўйидаги омиллар ўз таъсирини ўтказди:

- Бозорда таклифнинг талабдан кам бўлиши (махсулот дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, аҳолининг дефицитга айланган махсулотга эътибори ва харид қилишга интилиши ошишига олиб келади.

▪ Аҳоли турмуш даражаси – яъни аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши истеъмол товарлари харидини ошириб, потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб бўлади.

▪ Ижтимоий сиёсат – ижтимоий химоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қилади.

▪ Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

▪ Юқоридаги омилларга ўхшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иктисодий танглик ва мафкуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий офатлар ҳам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

## SWOT (АЗИТ) ТАҲЛИЛИ

5 – жадвал.

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Янги замонавий технология.</li> <li>2. Нарҳ ва таннарҳнинг нисбатан пастлиги.</li> <li>3. Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик</li> <li>4. Юқори сифат</li> <li>5. Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги</li> <li>6. Рақобатбардошлилик</li> <li>7. Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик.</li> <li>8. Ва. х. к.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташқи омилларга таъсирчанлик, махсулот ярқилилик муддатининг озлиги</li> <li>2. Дастлабки босқичларда хорижий валюталар курсининг ишлаб чиқариш ва савдо – фаолиятига таъсири.</li> <li>3. Истеъмолчилар ва харидорлар ишончини ва ишлаб чиқариш кўникмасини шакллантиришда юзага келадиган яийинчиликлар</li> <li>4. Дастлабки босқичда бозорнинг яаттия раёбатига таъсирчанлик</li> <li>5. Об ҳаво шароитлари ва ҳосил ҳолатига боғлиқлик. Ва. х. к.</li> </ol>
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиклар (Treats)
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Четдан кўшимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги</li> <li>2. Ўз савдо шахобчаларини очиб, улар орқали махсулот сотишни йўлга қўйиш имкони мавжудлиги</li> <li>3. Нарҳ эгилувчанлигидан (камайтириш ва кўпайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш</li> <li>4. Ва. х.к.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Юзага келиши мумкин бўлганғирром рақобат</li> <li>2. Дастлабки вақтда бозорга чиқиш ва махсулотни сотиш ишларини ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар.</li> <li>3. Ва. х. к..</li> </ol>

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда ҳудудий бозорларда ва бошқа ҳудудларда НТМ фаолиятини ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади.

НТМнинг мувафаккиятли ташкил этилиши учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нарҳлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар харид микдори юқори бўлса) режалаштирилган.

Ундан ташқари корхона раҳбари нодавлаттаълим муассасасини ташкил этишда кам таъминланган ва ёш оилаларга имтиёзлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Нодавлат таълим муассасаси 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, шундан 15 ўринни кам таъминланган ва ёш оилалар фарзандлари учун ажратиб уларга фарзандининг бир ойлик тўлов суммасини қолган 35 нафар тарбияланувчиларнинг бир ойлик тўлов суммасига нисбатан сезиларли даражада пасайтиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб ҳисоблайди.

## **ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ**

### **8-жадвал. Лойиҳатўғрисидақисқача маълумот**

Лойиҳанинг номланиши	<b>Самарқанд вилояти, Тайлоқ туманида ХАТВ «ORIENTFINANSBANK» банкининг кредитдан фойдаланиб Спорт, мусиқа ва чет тиллари йўналишларини ўзида мужассам этган нодавлаттаълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш лойиҳаси</b>
Лойиҳа суммаси	1 975 845 353
Лойиҳа иштирок этадиган шахсий инвестиция	493 700 339сўм
Лойиҳада катнашадиган кредит микдори	1 481 884 014 сўм
Лойиҳада режалаштирилаётган Ўртача йиллик соф фойда	102 118 948 сўм
Лойиҳа муддати	15 йил
Лойиҳанинг реал оқланиш муддати	10 йил
Лойиҳани режалаштириш санаси	2019 йилнинг май ойи
Лойиҳа ташаббускори	<b>« НУРБУ ҚИЗИЛ ҚУЁШ КЎЗМУНЧОҚЛАРИ» НМТМ</b>
Лойиҳа ташаббускорининг манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Улус Олисой маҳалласи
Лойиҳа ташаббускорининг телефон рақами	(+99890)-286-86-54



## УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

**Жадвал № 9. Кредит маблағларининг сарфланиши ва молиявий харажатлар.**

<b>А. Кредит ҳисобига харид қилинаётган махсулот</b>					
№	Махсулот номи	Ўлч.бир.	Сони (дона)	Режалаштири- лаётган харид нархи (сўм)	Жами қиймат сўмда
1	Бино қурилиш ишлари	Х	1	1 188 184 014	1 188 184 014
2	Пардозлаш ишлари	Х	1	90 000 000	90 000 000
3	Ободонлаштириш ишлари	Х	1	65 000 000	65 000 000
<b>Жами :</b>					<b>1 343 184 014</b>
<b>Жихозлаш харажатлари</b>					
1	Мебел (шифонер)	Дона	10	1 800 000	18 000 000
2	Доска	Дона	3	1 100 000	3 300 000
3	Кроват 2 қаватли	Дона	25	1 500 000	37 500 000
4	Тумбочка (шкафча)	Дона	25	300 000	7 500 000
5	Стол ва стул (ўқув машғулоти учун) 2 кишилик	Комп	35	1 000 000	35 000 000
<b>Жами :</b>					<b>101 300 000</b>
<b>Муассаса учун керакли анжомлар харажатлари</b>					
1	Бадий гимнастика спорт элементлари	Комп	8	600 000	4 800 000
2	Каратэ спорт элементарлари	Комп	8	400 000	3 200 000
3	Муסיқа анжомлари	Комп	3	1 800 000	5 400 000
4	Спорт матлари	Дона	10	2 000 000	20 000 000
5	Махсус гилам спорт зали учун	Дона	1	1 400 000	1 400 000
6	Бадий гимнастика нарвони	Дона	2	170 000	340 000
7	Бадий гимнастика махсус стул	Дона	2	180 000	360 000

